



ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА РА҆ҚОБОТДОШЛИКНИ ОШИРИШНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚҮЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ ҲАМДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Хожимуродов Зухриддин Шукбурулло ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

"Иқтисодий хавфсизлик" кафедрасы таянч докторанты (PhD). x.z.sh94@mail.ru

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Volume:
Issue: 6

DOI:https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_isse6/a9

Мақолада қишлоқ хұжалиғи маңсулотларни ишлаб чиқарып хажмини оширишнинг изчил рябгутлантириш механизмларини ишга солиш, уни барқарор ривожлантириш ҳамда ҳалқаро даражадаги рақобатдошлиги даражасини оширишнинг ривожланган мамлакатларнинг күрсаткычлари таҳлил қилинган. Қишлоқ хұжалиғи корхоналарда давлат томонидан күллаб-куватлаш, амалға оширишга қаратылған илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқылған.

KEYWORDS

Қишлоқ хұжалиғы, қишлоқ хұжалиғы рақобатдошилығы, рақобат, кластерлар, асаосий восьмитаралар хисоби, давлат.

ABSTRACT

Кириш (Introduction/Введение).

Кириш (Интродукция/Введение).
Дунё мамлакатларда аграр соҳада амалга оширилаётган иктиносид ислоҳатларининг максади ушбу мамлакада юкори самарадорликка ва ракоботдошлик даражасига эга бўлған қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат хафсизлигини тамиллаш даражаси биринчи ўрин эгаллайди. Шу жумладан, давлат томонидан аграр соҳа тармокларини кўллаб-кувватлаш қаратилган қишлоқ хўжалигига фаолият олиб борилаятган иктиносид субъектларнинг даромадларини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сотишда нарх сиёсатини ишлаб чиқиши, ишлаб чиқарувчиларнинг маълум бир харажатларни коплаш максадида субсидиялар ажратиш, уларга солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартлар асосида ишлаб чиқариши ёки кичик бизнеслар учун кредитлар ажратиш давлат томонидан амалаг опирилиб келинмокла.

Шу билан биргаликда давлат томонидан кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёни озиқ-овқат бозорини тартибга солиши заруритини қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин: озиқ-овқат маҳсулотлари ахолининг бирламчи эҳтиёжлари таркибига кириши ва иштимолнинг кундаклик месъёри боис нарх бўйича эластикликни нисбатан пастлиги; кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тақчиллиги мамлакатда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий инқирозларни юзага келтириши; кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортига қарамони мамлакатлар экспорт қилувчи давлатларнинг сиёсий таъсирига учраши; кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ва сифати кўп жиҳатдан миллатнинг саломатлиги ва меҳнатта лаёкатини таъминлаши; кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари табиийикларни биологик такрор ишлаб чиқариш жараёнлари билан бевосита боғликлиги; давлатнинг озиқ-овқат хавфисизлиги сиёсати таъсирида тури даражадаги ракобат муҳитини шаклланishi; минтақаларнинг табиий-иклим шароитлари, агроресурс салоҳияти ва иқтисодий ривожланишидаги фарқлар ҳамда кишлоқ-хўжалик маҳсулотлари иштимолнинг миллӣ анъаналари; аҳоли даромад даражасининг ҳудудий фарқланиши ва бошқалар. Бундай шароитда давлатнинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бошқариш ва кўллаб-кувватлашдан воз кечиши, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини хусусий тузилмалар ихтиёрига ташлаб кўйиши мамлакатни инқироз

холатига олиб келади. Бу эса, давлат томонидан қишилөк хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқаришини рагбатлантириш ҳамда озиқ-овқат бозорини тартибга солиши йўналишларини ишлаб чикишини ва доимий назорат килишини талаб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Мавзуга олд адаистларнинг ташки.

Бутунги кунда корхоналарнинг ташки ва ички мухити тез ўзгарувчалиги сабабли қишилкот хўжалиги корхоналари фаолиятига кўплаб омиллар таъсир кўрсатмоқда, буларга ракобат, хомашё нархларининг ўзгариши, фоиз ставкалари, валюта курсларининг ўзгариши, истеъмолчиларнинг хоҳиш-истаклари ўзгариши, илмий - техник тараккиёт ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Ушбу каби омилларнинг ноаниклиги корхонани белгиланган вактда максадларига эришишига тўскинилик килмоқда. Бундай вазиятда корхонада ўз-үзини бошкарни механизмини ишлаб чиқадиган, белгиланган максадларга ўз вақтида ресурсларни сарф килишининг макбул миндиор оркали эришишига имкон берувчи бошқаришининг ташкипид-иктисодий механизми мухим рол йўйчали.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқарув тизмини тубдан такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5330-сон фармонига мувофик, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилиги негизида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. Бу

ерда Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолият турлари белгилаб берилган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чукур қайта ишлаш, давлат-хусусий шекириклиги механизимларини такомиллаштириш, шуннингдек, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда тадбиркорлик субъектлари иштирокини рагбатлантиришни таъминлаш тўғрисида кўрсатма берганлар. [2].

А.Н.Магомедов томонидан ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилган бўлиб, Японияда гуруч, бугдой, гўшт ва сут маҳсулотлари истеъмол нархининг 20 фоизини давлат тартибига солиб туради. Францияда ҳам нархнинг 20 фоизи давлат томонидан тартибига солинади. АҚШда эса тартибига солишининг билвосита тизими кўлланади [3]. Д.Р.Рахмонов ва И.М.Фаниевлар томонидан Ўзбекистонда давлат галла захираларини шакллантириш ва таксимот тартибини ўзгартириш масалалари ўрганилган [4].

Ўрганиш натижасида, мамлакатларнинг иктисодий ва демографик салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурияти билан боғлиқ ўзаришлар асосида давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини тартибига солиш мақсадга мувофиқ. Бунда биринчидан, миллий бозорни яхлит ҳолда ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларида алоҳида минтақанинг демографик тузилиши ва ишлаб чиқариш имкониятларини баҳолаш долзарблек касб этади. Иккичидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хавфисизлиги даражаси замонавий талаблар учун етарили эмаслигини тан олиш лозим. Бу эса маҳсулотлар захираларини тшакллантириш ва хукуматнинг белгилаган қоидалари асосида минтақалар томонидан маҳсус дастурлар ишлаб чиқиши талаб этади.

Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы). Тадқиқотда киёсий таҳлил усули орқали давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни рагбатлантириш ва тартибига солиши ва озук-овқат хафсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиши кераклиги, қишлоқ хўжалиги йўналишларининг умумий ва ўзига хос бўлган жиҳатлар аниқланди. Тадқиқотнинг формал тус берилган мантикий усуллари орқали давлат томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рагбатлантириш ва озук-овқат хафсизлигини таъминлаш мақсадида тартибига солишининг аҳамияти асосланди.

Олинган натижалар (Results/Результаты) ҳамда таҳлиллар (Analysis/Анализ). Глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўзиксизлигини таъминлаш учун чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқади. Ушбу тизим ички бозорни химоя қилишга қаратилган сиёсий, ижтимоий, хукукий, иктиносий шарт-шароитларни яратиб беради. Бунда иктиносий ривожланиши билан боғлиқ бўлган химоя даражаси алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, кўплаб мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва озик-овқат савдосида ташки омилларнинг салбий таъсирини олдини олишга қаратилган давлат дастурларини амалга оширилганлар. Лекин, мазкур стратегик чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижалари билан бирга салбий оқибатларини ҳам намоён килган, жумладан [5]:

1. «Яшил инқилоб» дастури Мексика қишлоқ хўжалигига экинлар ҳосилдорлигини оширишга қаратилган эди (1943 йил). Мексика тажрибаси ва янги навли уруғлар Колумбия, Хиндистон, Покистон, Шри-Ланка ва Филиппинда кенг тадбик этилди. 1990 йилга келиб Африкада жами экин майдонларининг 50 фоизи, лотин Америкаси ва Осиёда 70 фоизини камраб олди. Натижада, бугдой ишлаб чиқариш ҳажми ўди. Жаҳонда 1960-2000 йиллар давомидда бугдой ҳосилдорлиги 208 фоизга ошиди. Лекин, атроф-мухит ва тупроқнинг ёмонлашишига, кимёвий ўғит ва пестицидлардан хаддан ортиқ фойдаланишга, қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқаришининг хилма-хиллигининг камайишига олиб келди. Бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши нархни пасайшига ва фермерларнинг инқирозига олиб келди. Умуман, «Яшил инқилоб» дастури очарчилик ва камбагаллик муаммосига мажмуали ёндашув заруратини намоён этди. Факат қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳосилдорликни ошириш билан озик-овқат хафсизлигини таъминлаш бўлмаслиги тан олинди. Бу эса ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни чукурлаштириш ва ташки савдонинг аҳамиятига эътибор қаратишга олиб келди;

2. Ташки савдони эркинлаштириш сиёсати жаҳон бозорида маҳсулот нархини энг паст чиқимлар билан белгилаш имконини берди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ресурсларни оқилона

таксимлашга олиб келди. Бу эса, жаҳон бозорида нархларнинг кескин тебранишига сабаб бўлди ва кўплаб мамлакатларда нокулай бозор конъюнктурасидан химояланишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиди (ишлаб чиқарувчилари химоялаш учун компенсация тўловлари жорий этилди, хаддан ташкири кўп этишишини олдини олишга қаратилган ёрдам пуллари берилди);

3. Ташки савдони чеклаш сиёсати. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини рагбатлантириш ва озик-овқат хафсизлигини таъминлаш учун кўплаб мамлакатлар импорта нисбатан чекловлар жорий этиди. Ташки савдо чекловлари озик-овқат маҳсулотларининг 90 фоизини миллий бозорларда истеъмол килишга олиб келди. Шуннингдек, озик-овқат экспортга киритилган чекловларда миллий бозорни барқарорлаштириш ва ахолига иктиносий имконият яратиш мақсади назарда тутилди. Экспорт ва импорт чекловлари ижобий натижалари билан бирга барча мамлакатларда конунбузарлик, коррупция ва ноконуний савдо учун қуляй шароит яратди. Чunksи, ички ва ташки бозордаги нархлар ўргасида юқори фарқ вужудга келди. Бунда ички харид нархлари инфляциядан ортда колди ва ушбу нархлар ишлаб чиқарувчилар учун манфаатсиз бўлиб колди. Мазкур шарт-шароитлар ишлаб чиқариш харажатлари ўрнини қопловчи давлат субсидияларининг ҳажмини ортишига олиб келди;

4. Истеъмолни кўллаб-куватлаш сиёсати мақсадли озик-овқат билан кўмак дастурларни жами аҳоли ёки унинг маҳсус турхулари учун қаратилган эди. 1960 йилларда собик Иттифок мамлакатларида чорвачилик маҳсулотларининг истеъмолини ошириш учун кайта ишловчи тармокларга субсидиялар ажратилди. Марказий Шаркий Европа мамлакатлари ҳам собик СССРдан ўрнак олиб, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришига субсидия кирита бошлашиди. Натижада чорвачилик маҳсулотларининг истеъмол кўрсаткичи ошиди. АҚШда эса озик-овқат купонлари дастури амалга оширилди. Бундан ташкири, универсал озик-овқат билан кўмак дастурлари ҳам амал килиб, жами аҳолининг минимал истеъмол даражасини кафолатлаш учун мамлакат миқёсида субсидия берилди. Лекин, кўплаб мамлакатларда истеъмолчилар учун субсидиялар ажратишдан воз кечилди, чunksи иктиносий чиқимларга қиёслаганда уларнинг самарадорлик даражаси паст эди ва импортнинг ҳажмини ошишига олиб келди;

5. Микроозиқавий моддалар таъминоти дастури кўплаб мамлакатларда озиковқат маҳсулотларини витамин ва минерал билан бойитиши қаратилган. Бу эса аҳоли саломатлигини таъминлаш ва касалликларни олдини олишнинг энг тежамкор йўли сифатида баҳоланмоқда. Масалан, жаҳонда тузни йод билан бойитишнинг бир йиллик харажатлари аҳоли жон бошига 0,02-0,06 долларни ташкил килид. Шундай бўлсада, бутунги кунда дунёдаги 118 мамлакатнинг аҳолиси йод етишмаслигидан азоб чекади ва микроозиқавий моддалар танқислиги хавфига йўлиқкан. Юкорида амалга оширилган давлат дастурлари ва унда белгиланган ўналишларда озик-овқат муаммосини ҳал этиши масалалари глобаллашув жараёнлари билан бевосита боғланган эди. Бу даврда озик-овқат хафсизлигига фақат алоҳида мамлакат даражасида эришиш мумкинлиги тан олинди. Шунга кўра, ҳалқаро саммит ва форумларда «глобал фикрлаш – локал харакат» тамоили жорий этилмоқда. Айни пайтда аҳоли даромадларини ошириш ва тўловга қобилиятли талабни шакллантириш орқали фермерларни молиявий барқарорлигини таъминлаш каби янги ўналиш пайдо бўлди. Мазкур ўналишда аҳолининг даромад даражасини ошириш ва генетик ресурслар орқали овқатланиш сифати юксалмоқда. Натижада давлатлар озик-овқат ишлаб чиқариши ва истеъмолида субсидия ва компенсацияларни кискартириди. Лекин, ушбу ўналиш ҳам ўзининг салбий оқибатларини номоён кильмоқда. Farb ва Европа мамлакатларида ортиқча вазн ва семизлик муаммоси келиб чиқди. Энг юқори кўрсаткич Бельгия (аҳолининг 13,7 фоизи) ва Швеция мамлакатларида кузатилади [6]. Бу касаллик беш ёшгача бўлалар ўргасида паст бўйли аҳолини тарқалишига ва ўрта ёшли аҳоли ўргасида жисмоний харажатини чекланишига олиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳалқаро иктиносий алокаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини таъминоти сиёсий ва иктиносий босим дастаги бўлиб кельмоқда. Жаҳон бозоридаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳажми тез суръатларда ўсиб кетиши ҳам экспортёр мамлакатларнинг биргаликдаги ва узок муддатли таъсирлари натижасидир. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми сезиларни даражада паст кўрсаткичда эди. Жаҳон

бозоридаги бу паст кўрсаткичлар ривожланаётган мамлакатларнинг ўсишига ҳам ўзининг кускин таъсирини кўрсатди. 2015 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳам кескни ошиди ва бу мамлакатлар иктисадиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади ва бу кўрсаткичлар ўрта Осиё ва Европа мамлакатларида тез суръатлarda ўсиб келмоқда.

(1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, 2022

Мақола бўйича хуласа ва тақлифлар (Conclusions/Заключения).

Татқиқот шуни кўрсатадики, давлат томонидан қишлоқ хўжалиги етиштурувчи корхоналарни рағбатлантириш ҳамда доимий қўллаб-куватлаш учун куйидаги чора-тадбирларга асосланади:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги етиштурувчи корхоналарнинг давлат томонидан тартибга солишида минтақалар хусусиятларини

										1-жадвал
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажми (жорий нархларда; миллий валюта)										
No	Йиллар	Ўзбекистон, триллион сўм	Озарбайжон, миллиард манат	Арманистон, миллиард драм	Қозоғистон, триллион тенге	Қирғизистон, миллиард сом	Россия, триллион рубл	Тоҷикистон, миллиард сомоний	Украина, миллиард гривна	
1	2010	30,9	3,9	636,7	1,8	115	2,5	9,4	189,4	
2	2015	99,6	5,6	945,4	3,3	196,5	4,8	21,6	540,5	
3	2020	250,3	8,4	833,3	6,3	248,3	6,5	37,3	887,8	
4	2021	303,4	9,2	934,4	7,5	322,6	7,7	45,6	1 359,40	
5	2022	347,6	11,0	1 021,4	9,2	354,7	8,9	57,8		

йилда Ўзбекистонда 347,6 триллион сўм, Озарбайжонда 11,9 миллиард манат, Арманистонда 1 021,4 миллиард драм, Қозоғистонда 9,2 триллион тенге, Қирғизистонда 354,7 сом, Россияда 8,9 триллион рубл, Тоҷикистонда 57,8 миллиард сомонийни ташкил килган. Аммо, Украина 2022 йилда қишлоқ хўжалигига ўсиш бўлмади. Бунинг асосий сабаби, Россия Федерацияси билан бўлиб турган иктисадий-сиёсий манбаатлар тўқнашуви.

Бундай шароитда мамлакатлар озиқ-овқат экспортiga чекловлар жорий килмоқдалар, ийрик импорт қиливчи мамлакатлар эса ички озиқ-овқат заҳирасини керакли даражада таъминлаш максадида, нархлар қандай бўлишидан қатъний назар сотиги олмоқдалар.

Умуман олганда, жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг заҳиралари шаклланнишининг ҳозирги ва кутилаётган тенденциялари ва унинг мураккаблигини эътиборга олган ҳолда мамлакатнинг озиқ-овқат ҳавфислиги бугунги кунда ҳам, келажакда ҳам ички ишлаб чиқариши хисобига таъминланади. Ички ишлаб чиқариши хисобига ўзини ўзи таъминлаш давлатнинг ўз қобигига ўрвалиб олишини билдирамайди, аксинча, экспорт учун ишлаб чиқариш хажмларини ошириб бориш ва импорт таркибини такомиллаштириш тўғрисида сўз бормоқда. Бу ҳалқаро меҳнат тақсимоти афзалликларидан ва жаҳон бозорининг қуляй конъюнктурасидан фойдаланиши билан бир каторда мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг доимий рағбатлантириш ҳамда етиштурувчи корхоналарга мустақиллигига кўмак беради.

Натижалар интерпретацияси (Discussion/Обсуждение). Ушбу тадқиқотни амалга ошириш давомида куйидаги саволлар пайдо бўлди ва уларга куйидагида жавоблар шаклланди: Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг ривожланганлилар қандай? Унинг ривожланиши шу даражада давом этидиган бўлса, ривожланган мамлакатлар даражасига қачон етади ва якин 15-20 йилда улар даражасига этиш учун қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг ишлаб чиқариши хажми йиллик ўсиши қандай бўлиши керак? Йиллик ўсишининг даражасига қандай ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмоқда? Йиллик ўсишини ошириши учун нималар қилиши керак? Мазкур тадқиқотни амалга ошириш давомида ушбу саволларга асосли жавоблар шакллантирилди.

References:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 марта “Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини бошқариш тизмини янада тақомиллаштириш” чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4643-сон қарори. lex.uz
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги “Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви измини тубдан тақомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5330-сон фармони.
- Магомедов А.Н. Финансовая и институциональная структура кредитования сельского хозяйства в США// Ж. АПК: экономика и управление. – М.: 2011,

чукур эътиборга олиши талаб этилади. Миллий бозорни яхлит ҳолда ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларида алоҳида минтақанинг демографик тузилиши ва ишлаб чиқариши имкониятларини баҳолаш максадга мувофиқ. Маҳаллий ҳокимият органлари ҳукumat даражасида белгиланган коидалар асосида ислоҳотларни олиб бориши ва мақбул стратегияни ишлаб чиқиши лозим;

иккинчидан, қишлоқ хўжалиги етиштурувчи корхоналарнинг ривожлантириш ҳамда устувор шартнароитларини таъминлаган ҳолда давлат томонидан қишлоқ хўжалигини кўллабкуватлаш талаб этилади. Бу сиёсатнинг максади – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчilar даромадини ҳалқ хўжалиги даражасида бўлишига еришишdir;

учинчидан, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тақчиллиги даражасига баҳо берилар экан, унинг чегараси тифиз даражадан анча юкорида бўлсада, лекин замонавий талаблар учун ҳали етарли эмаслигини тан олиши лозим. Бунда қишлоқ хўжалиги етиштурувчи корхоналарнинг асосий манбаи сифатида давлат томонидан самарали тартибга солиши чора-тадбирлари талаб этилади;

тўртингидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импортини тартибга солиши масаласи нисбатан мураккаб кўриниш олади. Бу эса бир томондан, маҳсулотларнинг тақчиллигини бартараф этиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий ишлаб чиқарувчilar манбаатини химоялаш масаласи оқилона тарзда ҳал этилиши билан боғлиқ;

Юкорида кептирилган давлат томонидан қишлоқ хўжалиги етиштурувчи корхоналарнинг рағбатлантириш ва самарали иш унумдорлигини ошириш ҳамда бўш турган давлат ерларидан унимли фойдаланиши ташкил этиш, энг аввало, миллий бозорни яхлит ҳолда ривожлантирища минтақаларнинг мутаносиблигини таъминлаш, маҳсулотларнинг ҳавфислиги нутқаи назаридан ишлаб чиқарувчilar доимий қўллаб-куватлашдан иборат. Айни пайтда, мамлакат аҳолисининг барча қатламларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар билан узликсиз таъминлаш биринчى галдаги вазифа сифатида каралади.

№ 3. – С. 83- 89.

4. Беспахотный Г.В., Ушачев И.Г. Воспроизводства в аграрной экономике: вопросы теории, государственного регулирования и эффективности производства. – Тула: РАСХН, 2009. – С. 32-34.

5. Минаков И.А. Кооперация и агропромышленная интеграция в АПК. – М.: Экономика, 2007. – С. 26-27.

6. Рахмонов Д.Р., Фаниев И.М. Халқаро озик-овкатлар бозори ҳолати ва Ўзбекистонда ғалла бозорини ривожлантириш хусусиятлари// Озик-овкат маҳсулотлари бозори ва унинг амал килиши механизмини такомиллаштириш: илмийамалий конференция материаллари тўплами. – Наманган: НамДУ, 2015. – Б. 263-269.

7. Тошназарова Л. Ўзбекистон сугурта бозорида ракобатни ривожлантириш йўллари. //Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, №4 2021 й.

8. Хейлбронер Р., Туроу Л. Экономика для всех (Пер. с англ.). – Новосибирск: Экор, 1994. – С. 80-83.

9. Новый взгляд на продовольственную безопасность и питание: Сорок четвертая сессия Комитета по всемирной продовольственной безопасности. – Рим: 2017. <http://www.fao.org/3/a-mu263r.pdf>

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари <https://stat.uz/uz/xalqaro-statistika/7285-formy-statkomiteta-sng-2..>